

3(5) SENTABR 2020



# TerDU

## ilmiy

# xabarnomasi

Научный вестник ТерГУ

Scientific herald TerSU



ILMIY-USLUBIY JURNAL

ISSN 2010-9202

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ТерДУ**  
**ИЛМИЙ ХАБАРНОМАСИ**

**№3/2020**

Термиз-2020

ТерДУ илмий хабарномаси  
Илмий-услубий журнал

Муассис:  
Термиз давлат  
университети

**ТерДУ илмий  
хабарномаси**

Ҳар чорақда бир  
марта чиқади.

Журнал Сурхондарё  
вилоят ахборот ва  
оммавий коммуникациялар  
бошқармасининг 2019 йил  
23 майдаги 11-099 рақамли  
гувоҳномаси билан  
рўйхатга олинган.  
Нашр индекси: 344

Журнал  
«Ҳосил» нашриёти  
матбаа бўлимида  
чоп этилди.  
Сурхондарё вилояти,  
Термиз шаҳри, Муқимий кўчаси  
53 А-уй.

Босишга рухсат  
этилди: 26.09.2020.  
Қоғоз бичими: 60x84 1/8.  
Босма табағи: 13,5.  
Офсет босма. Офсет  
қоғози. Адади: 100 дона.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Буюртма №:59

**Бош муҳаррир**

Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов  
**Бош муҳаррир ўринбосари**  
Абдисамад Умурқулович Саттаров  
**Масъул муҳаррир**  
Хасанов Абрай Аллаярович  
**Масъул котиб**  
Наргиза Эшимовна Қобилова

**Главный редактор**

Абдуқодир Ҳамидович Ташқулов  
**Заместитель главного редактора**  
Абдисамад Умурқулович Саттаров  
**Ответственный редактор**  
Хасанов Абрай Аллаярович  
**Ответственный секретарь**  
Наргиза Эшимовна Кабилова

**Chief editor**

Abdukodir Hamidovich Toshkulov  
**Deputy Chief Editor**  
Abdisamad Umurkulovich Sattarov  
**Responsible editor**  
Khasanov Abray Allayarovich  
**Executive Secretary**  
Nargiza Eshimovna Kobilova

**Таҳририят кенгаши**

Н. Тўраев  
Ш. Шайдуллаев  
П. Бакиров  
М.Пўлатов  
М. Ҳамроева  
Р. Дўсанов

**Редакционный совет**

Н.Тўраев  
Ш. Шайдуллаев  
П. Бакиров  
М.Пуллатов  
М.Хамраева  
Р.Дусанов

**Editorial council**

N. Turayev  
Sh. Shaydullayev  
P.Bakirov  
M.Pulatov  
M.Hamroyeva  
R.Dusanov

**Бўлим муҳаррирлари**

**И. Аллаков**, физика-математика  
фанлари доктори, профессор  
**Ҳ. Тўраев**, кимё фанлари доктори,  
профессор  
**С. Турсунов**, тарих фанлари доктори,  
профессор  
**О. Ҳотамов**, иқтисодиёт фанлари  
доктори, доцент  
**Н. Йўлдошев**, филология фанлари  
номзоди, доцент  
**М. Бозорова**, педагогика фанлари  
номзоди  
**Ҳ. Абдуназаров**, география фанлари  
номзоди, доцент  
**М. Оромов**, қишлоқ хўжалиги фанлари  
доктори  
**С. Худойқулов**, иқтисодиёт фанлари  
доктори

**Редакторы отделов**

**И.Аллаков**, доктор физико-  
математических наук, профессор  
**Х.Тураев**, доктор химических  
наук, профессор  
**С.Турсунов**, доктор исторических  
наук, профессор  
**О.Хотамов**, доктор экономических  
наук, доцент  
**Н.Юлдашев**, кандидат филологических  
наук, доцент  
**М.Бозорова**, кандидат педагогических  
наук, доцент  
**Х.Абдуназаров**, кандидат  
географических наук, доцент  
**М.Оромов**, доктор  
сельскохозяйственных наук  
**С.Худойкулов**, доктор экономических  
наук

**Department editors**

**I.Allakov**, Doctor of Physical and  
Mathematical Sciences, Professor  
**H.Turaev**, Doctor of Chemical Sciences,  
Professor  
**S.Tursunov**, Doctor of Historical Sciences,  
Professor  
**O.Khotamov**, Doctor of Economics,  
Associate Professor  
**N.Yuldashev**, Candidate of philological  
sciences  
**M.Bozorova**, candidate of pedagogical  
sciences, Associate Professor  
**N.Abdunazarov**, Candidate of  
geographical Sciences, Associate  
Professor  
**M.Oromov**, Doctor of agricultural  
sciences  
**S.Khudoyqulov**, Doctor of Economics

**Таҳририят манзили:**

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй.  
Телефон: (376) 221-74-55 Факс: 221-71-17 Электрон манзил: termizdu@umail.uz

# МУНДАРИЖА

## АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАР

### ФИЗИКА

#### **А. Турсунов**

Физикадан синфдан ташқари машғулотларда экологик мазмунда масалалар танлаш ва ечиш методикаси.....6

### МАТЕМАТИКА

#### **А. Маматкабилов**

Уравнения колебаний кузова автомобиля при движении экипажа по горизонтальной плоскости.....9

#### **И. Аллаков, Д. Садатова**

Бўлувчилар функцияси учун аниқлаштирилган баҳолар.....18

#### **Г. Кенжаева**

Кичик модулли дирихле характерларининг йиғиндиси.....23

### ТЕХНИКА

#### **М.Миралимов, Ш.Нормуродов**

Методике численного моделирования колебания системы «сооружение – грунтовый массив-здание» при действия динамической поездной нагрузк.....27

## ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

### ИҚТИСОДИЁТ

#### **М. Ashurova, D. Xamzayeva**

Features of seasonality in the supply of tourist products.....31

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР

### ТАРИХ

#### **М. Абдуллаев**

“Қулоқлар сурғуни” – “катта террор” нинг бошланғич даври сифатида.....35

#### **М. Жуманиёзова, Н. Камолова**

Хоразмда деҳқончилик ва суғориш билан боғлиқ удум, эътиқод, афсоналар тарихи.....40

#### **Ж. Зарипов**

Миграционные процессы государств прибалтики и россии: крупные миграции которые социально действуют на развитии страны.....44

# МУНДАРИЖА

## **Б.Болтаев**

Юртимизда музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг  
янги босқичга кўтарилиши (Бухоро мисолида).....49

## ҲУҚУҚШУНОСЛИК

## **Д.Абдукадыров**

Комплаенс-контроль в сфере обеспечения соблюдения  
этических норм на предприятии.....53

## ФИЛОЛОГИЯ

## **И.Хайдарова**

Талаффузни ўрганиш стратегиялари.....55

## **Н.Қобилова**

Абзац матннинг таркибий қисми сифатида.....59

## **Б. Умурзоқов**

“Рашаҳот” асарида Хожагон тариқати (йўли) асосларининг  
тафсилотли баёни таҳлили.....62

## ПЕДАГОГИКА

## **Х.Шарафутдинова**

Ижобий кайфият – маънавий юксалиш манбаи.....68

## **Я.Даниева, У.Чориев**

Қисқа масофага югурувчи ёшларнинг тезкор-куч  
қобилиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш.....71

**ЮРТИМИЗДА МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚЎТАРИЛИШИ (БУХОРО МИСОЛИДА)****Болтаев Б.\***

**Аннотация.** Ушбу мақолада юртимизда мустақиллик йилларида музейлар соҳасида амалга оширилган ишлар ва музейшунослик тадқиқотлари борасида олиб борилган илмий изланишлар, бугунги кундаги ютуқ ва камчиликларни бартараф этиш усуллари кенг ёритилган. Бу ютуқлар ортида ҳукуратимиз ва давлатимиз раҳбарининг амалга ошираётган саъй-ҳаракатларининг аҳамияти, айниқса музей ходимлари учун Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини қабул қилиши, Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва унинг мазмун-моҳияти мисоллар билан очиб берилган Бундан ташқари Бухоро вилояти музейларида сақланаётган моддий ва маданий меросимизни кенг жаҳон оmmasига кўргазмалар орқали намойиш этиш ҳамда туризм соҳасини янада ривожлантириш концепцияси бўйича бир катор ҳукурат қарорларининг таҳлили ҳам келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** музей, музейшунослик, коллекция, экспонат, инвестиция, концепция, комплекс, мемориал, тадқиқот.

**Аннотация.** Эта статья посвящена работе, проделанной в области музеев в нашей стране за годы независимости и научным исследованиям в области музееведения, методам преодоления сегодняшних достижений и недостатков. За этими достижениями стоит значимость усилий нашего правительства и главы нашего государства. В частности, о принятии комплексной программы мер Кабинетом Министров от 11 декабря 2017 года «О совершенствовании деятельности государственных музеев и укреплении материально-технической базы на 2017–2027 годы». Обращение Ш.М. Мирзиёева к Олий Мажлису. Его содержание иллюстрировано. Кроме того, правительство намерено и дальше развивать туристическую индустрию, экспонируя наше материальное и культурное наследие в музеях Бухарской области всему миру посредством выставок.

**Ключевые слова:** музей, музееведение, коллекция, экспонат, инвестиции, концепция, комплекс, мемориал, исследования.

**Annotation.** This article covers the work done in the field of museums in our country during the years of independence and scientific research on museological research, methods of overcoming today's achievements and shortcomings. Behind these achievements is the significance of the efforts of our government and the head of our state. In particular, the adoption of a comprehensive program of measures by the Cabinet of Ministers of December 11, 2017 "On improving the activities of state museums and strengthening the material and technical base for 2017-2027," Sh.M. Mirziyoyev's Address to the Oliy Majlis. Its content is illustrated. In addition, the government intends to further develop the tourism industry by exhibiting our material and cultural heritage in the museums of Bukhara region to the wider world through exhibitions.

**Keywords:** museum, museology, collection, exhibit, investment, concept, complex, memorial, research.

Мамлакатимизнинг узок уч минг йиллик буюк давлатчилик тарихи шундан далолат берадики, ҳар доим ҳам ўзбек юрти ўзининг бетакрор иқтисодий салоҳияти билан табиий равишда кўпларни ўзига ром этиб келган. Кейинги бир ярим аср мобайнида халқимиз ўзининг беҳисоб иқтисодий-моддий, маданий-маърифий бойликларидан жудо бўлган эди. Бироқ мазкур тазйикларга, йўқотишларга қарамасдан, ўзбек халқи асл ўзлигини сақлаб қола билганлигига ҳам тарих гувоҳлик беради[1]. Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқининг асрлар давомида бутун цивилизация тараққиётига кўшган ҳиссаси музей экспозицияларида ўзининг аксини топди[2]. Дарҳақиқат, замон тақозоси билан музей ва музейшунослик соҳаси ривожланиш тараққиётининг янги пағонасига ўтганлигини даврнинг ўзи исботлаб турибди. Демак, музейшунослик – жамиятнинг таъсир доирасидаги маърифат, таълим, тарбия ҳамда маданиятнинг умумлашган ривожланиш босқичини ўтовчи соҳасидир. Музейларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, уларнинг кифасини, экспозициясини халқаро стандартларга мослаштириш, фондларини бойитиш, ашёларини илмий ўрганиш, асраб-авайлаш, замонавий услубда таъмирлаб, келажак авлодларга етказиш, жаҳонга намойиш этиш йўллари бир тизимга солиш муҳим масалалардан ҳисобланади[3].

Замонавий музей ишини такомиллаштиришнинг энг асосий омилларидан бири бу – кадрлар тайёрлаш, музей ходимларининг замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириши ҳамда махсус

\* Болтаев Бобир Бахтиёрович, БухДУ Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

дастур яратилиши ёки сотиб олинишидан иборатдир. Музей ходимлари ҳар ерда ва ҳар доим миллат ҳамда мамлакатнинг генофонди бўлмиш музейларнинг улкан имкониятларини очиб бера олиши лозим[4]. Музейлар нуфузини ошириш, уларни замонавий талаблар доирасида жиҳозлаш, томошабинларни жалб қилиш учун янги усулларни ташкил этиш, илгари намойиш этиш имкони бўлмаган музей фондларидаги буюмларни ҳам намойиш этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда. Юқори технологияларни, экспозицияларни намойиш этишдан ташқари, фонд фаолиятига ҳам жорий этиш масалалари ишлаб чиқилмоқда.

Музей ижтимоий вазифасига кўра илмий тадқиқот-маърифат (музейларнинг кўпчилиги асосан шу вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўяди, уларни оммавий музейлар деб ҳам юритишади); тадқиқот (илмий-тадқиқот институтлари қошида ўзига хос лаборатория вазифасини ўтайди) ва ўқув музейларига, йўналиши ва коллекцияларига қараб тармоқ, ўлкашунослик (комплекс) ва мемориал музейларга бўлинади. Тармоқ музей ишлаб чиқариш, фан, санъатнинг бирор тармоғига тегишли бўлади (масалан, тарих музейлари, зоология музейлари). Ўлкашунослик музейлари муайян маъмурий ҳудуднинг тарихи, табиати, хўжалиги, санъати, этнографияси ва бошқа соҳаларини комплекс акс эттиради. Мемориал музейлар муҳим тарихий воқеалар, атоқли арбобларга бағишланади[5].

2017 йил 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маданият ва санъат соҳасини янада такомиллаштириш бўйича муҳим қарори қабул қилинганлиги, айниқса, шу йилнинг 3 август куни соҳа вакиллари учун тарихий воқеа бўлганлиги, бунинг сабаби муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович мамлакатимиздаги маданият ва санъат вакиллари билан учрашиб, соҳада йиғилиб қолган муаммо ва камчиликларни муҳокамага қўйиб, уларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар ҳамда зарур тавсиялар берганлигини эътироф этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Айниқса, музей ходимлари учун Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 975-сонли қарори катта аҳамиятга эгалигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Айни пайтда маданият ва санъат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қатор ибратли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ишларнинг мантиқий давоми сифатида Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Фарғона вилоятларида ҳам музей-қўриқхоналар ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш дастурда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3022-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан:

1. 2018-2027 йилларда давлат музейлари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг манзилли дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат музейлари, уларнинг филиал ва бўлимлари рўйхати шакллантирилди.[6]

2. 2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури бажарилишини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тузилди. Давлат музейларининг ишлаб чиқиладиган янги концепциялари, музей ашёларини ишончли сақлаш, ташриф буюрувчилар, хусусан имконияти чекланган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, архитектура-режалаштириш, интерьер, дизайн ва ландшафт ечимларига эътибор қаратган ҳолда ҳар бир музей биносининг эскиз лойиҳасини музейнинг йўналиши ва мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тасдиқланди [7]. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу қарорда белгиланган давлат музейлари биноларини мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун зарур маблағларни назарда тутиш ва 2018 йилда Инвестиция дастури маблағлари ҳисобидан давлат музейлари биноларини қуриш ва реконструкция қилиш учун объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва 2019 йилдан бошлаб қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун маблағлар ажратиши таъкидланди ҳамда Ўзбекистон музей ишидаги долзарб ижтимоий-маданий муаммоларни ўрганиб чиқишда Республикадаги мавжуд музейлар фаолиятини ҳам чуқур таҳлил этиш лозимлиги билдирилди. Бу борада ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар давлат музейи, Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Термиз археология музейи, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек музейи, Хива Ичан-қалъа давлат музей кўриқхонаси, Бухоро давлат музей кўриқхонаси ва бир қанча вилоятлардаги



марказий музейларга мақсадли илмий сафарлар уюштирилиб, келгуси йилларда, дастур доирасида яна 7 та янги музей (Қорақалпоғистон Республикаси Муйноқ туманида Экология музейи, Бухоро давлат музей кўриқхонаси таркибида Бухоро тарихи музейи, ва Мутал Бурҳонов уй музейи, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей кўриқхонаси филиали сифатида Эргаш Жуманбулбул ўғли ёдгорлиги музейи, Тошкент вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, Фарғона вилоят Олтиариқ туманида Эркин Воҳидов уй-музейи, Хоразм вилояти Урганч шаҳрида Авесто мероси музейи) ташкил этилиши режалаштирилди.

Бундай музейлар фаолиятини такомиллаштириш ички ва ташқи туризмнинг ривожланишига олиб келишини Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидаги нутқи орқали: “Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истикболли тармоқлардан бири, бу - туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланиб, юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти Юнеско рўйхатида киритилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “кичик ҳаж” дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш зарур. Ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солиш лозим”, таъкидлаб ўтган эди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 16 февралдаги Бухоро шаҳрига қилган ташрифида вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш концепцияси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб чиқди. Бухоро ўзининг бетакрор тарихий обидалари, осори-атиқалари, асрлар оша давом этиб келаётган миллий ҳунармандчилик анъаналари билан юртимиз туристик жозибадорлигини оширишда улкан салоҳиятга эга. 2018 йилда вилоятда туризмни янада ривожлантириш концепциясига мувофиқ 61 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган эди. Жумладан, 32 меҳмонхона, 12 мотел, 10 истироҳат боғи барпо этилиб, “Бухоро Палас”, “Варахша” ва “Зарафшон” меҳмонхоналари реконструкция қилинди. Бундан ташқари, туризм бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ресторанлар қуриш, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари харид қилиш, маданий мерос объектларини тадбиркорларга ижарага бериш, ҳаво шарида саёҳатни ташкил қилиш, Гиждувон, Шофиркон, Вобкент ва Жондор туманларида қишлоқ туризмни йўлга қўйиш режалаштирилди. Шавкат Мирзиёев эски шаҳар қисмининг туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари билан танишар экан, ушбу ҳудуд том маънода Бухоронинг юраги бўлиши кераклигини таъкидлади ва ўзининг керакли маслаҳатларини берди [8] Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, булар албатта ўз самарасини бера бошлади. Музейшуносликка берилган юксак эътиборнинг самараси ўлароқ, мазкур соҳада қуйидаги мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди: музейшунослик соҳасини ривожлантириш, такомиллаштиришга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда музейлар фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари яратилди. Музей ишини самарали йўлга қўйиш ҳамда музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида жамғарма ташкил этилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон музейларида сақланаётган моддий ва маданий меросимизни кенг жаҳон оммасига намойиш этиш бўйича қатор кўرғазмалар жаҳон музейларида ташкил этилди.[9] Юқорида санаб ўтилган соҳа ривожидидаги мувофақиятлар Ўзбекистонда музейшунослик соҳасини тараққий этишга мустаҳкам замин яратган омиллардир. Ташкил этилган ва этилаётган кўплаб музейлар ёш авлодни тарихимиз, моддий ва маданий меросимизни нақадар чуқур илдизга эгаллигини сингдирган ҳолда, уларни ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тарбиялашга хизмат қилади. Албатта буларнинг барчасига кўплаб машаққатли меҳнат орқали эришилди. Бу ютуқлар ортида ҳукуратимиз ва давлатимиз раҳбарининг амалга ошираётган саъй-ҳаракатларининг аҳамияти жуда ҳам каттадир, чунки ватанимизнинг равнақи ва тинчлиги йўлида турли мамлакатлар билан ўзаро ҳамдўстлик ҳамда манфаатли шартномалар имзоланиб, халқимиз учун кўплаб имкониятлар эшиги очиб берилмоқда, шунинг учун биз ҳам бу имкониятлардан оқилона ва кенг фойдаланган ҳолда иш юритиб, ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилмоғимиз лозим деб ўйлаймиз.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Бекмуродова М.Б.Рашидова М.Х.Музейшунослик. Тошкент, 2005 йил
2. Исмоилова Ж. Замоновий музейшунослик асослари. – Тошкент, 2016. – Б.4.
3. Ҳабибуллаев Н. Музей ва фан-таълим/Ўзбекистон музейлари истокболлари. – Тошкент, 2013. – Б.7.
4. Альмеев Р. Музей жамғармаларини оптималлаштириш, сақлаш ва кўрғазмалаштириш // Мозийдан садо. 2(38) – Тошкент: 2008. Б-2-3.
5. Болтаев Б.Б. Музейшунослик. Бухоро: Дурдона, 2016йил



6. [https://lex.uz/pages/getpdfview.aspx?lact\\_id=3451889](https://lex.uz/pages/getpdfview.aspx?lact_id=3451889). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №975-қарори 2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида 11 декабрь 2017 й

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 265-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.04.2019 й., 09/19/265/2858-сон)

8. Ш.М.Мирзияевнинг Бухорога ташрифидаги нутқларидан. //www.google.com

9. Музей ва туризм ривожининг янги босқичлари //www.muzeu.uz 5.